

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АБДИРАХМАНОВА ФЕРУЗА ЭШКАБИЛОВНА

**ЁР-ЁР МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА БАДИИЯТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 398.8(575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Contents of the abstract dissertation on doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Абдирахманова Феруза Эшкабиловна

Ёр-ёр маросим кўшиқларининг жанрий хусусиятлари ва бадиияти..... 3

Abdirakhmanova Feruza Eshkabilovna

Genre features and artistry of ritual songs Yor-yor..... 26

Абдирахманова Феруза Эшкабиловна

Жанровые особенности и художественность обрядовых песен Ёр-ёр..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АБДИРАХМАНОВА ФЕРУЗА ЭШКАБИЛОВНА

**ЁР-ЁР МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА БАДИИЯТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.1.PhD/Fil1189 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Эшонқулов Жаббор Солиевич,**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жуманазаров Умрзоқ Абдураззоқович,**
филология фанлари доктори, профессор

Рўзиева Моҳичехра Ёкубовна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

У. Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Л. Худайкулова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ш. Турдимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида халқ лирикасининг жанрлар таркиби ва поэтикасини тадқиқ этиш, айниқса, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий кўшиқчилик санъатини ривожлантириш, уларнинг тарихий асослари ва тадрижий қонуниятларини ўрганиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, маънавий қадриятлар тизимида муҳим ўрин тутадиган, номоддий маданий мероснинг ижрочилик санъати таркибидаги маросим фольклорига мансуб асарларини дунё фольклоршунослигининг устувор назарий концепциялари асосида тадқиқ этиш халқ оғзаки бадиий ижодининг генезиси, бадиий эволюцияси ва маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Дунё фольклоршунослигида тўй маросим фольклорига катта эътибор қаратилган. Тўй билан боғлиқ жараённи ҳар томонлама ўрганиш ҳар доим адабиётшунос, тилшунос, фольклоршунос ва этнологлар диққат марказида бўлиб келган. Бу борада дунё олимлари томонидан шу давргача ҳар бир худудни алоҳида ўрганиш бўйича бир неча тадқиқотлар юзага келди. Улардан, рус фольклоршуносларининг катта бир гуруҳ олимлари тўй фольклорини карталаштиришга киришганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбек фольклоршунослигида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин халқимизнинг миллий ўзлигини англатадиган маросим фольклори ва ушбу фольклор жанрлар таркибининг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-генетик асослари, тарихий-тадрижий ривож, маросим кўшиқларининг структурал-семантик хусусиятлари ҳамда бадииятини тадқиқ этиш долзарб илмий йўналишлардан бирига айланди. Бу эса маросим билан узвий боғлиқ бўлган ёр-ёр кўшиқлари жанрининг бадиий эволюциясини изчил тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади. Айниқса, ёр-ёрларнинг туркий халқлар фольклорида тутган ўрни, тарихий илдизлари, типологияси ва поэтикасини дунё халқлари оғзаки ижоди намуналари билан қиёсий тадқиқ этиш нафақат фольклоршуносликда, балки ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. "... Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. ... Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади".¹ Ўзбек халқ кўшиқлари, жумладан, маросим кўшиқлари бадиий матнида инсоният пайдо бўлишидан тортиб асрлар оша шаклланиб келган тарихи ва орзу-интилишлари талқин қилинган. Бинобарин, асосан тўй маросимлари билан боғлиқ бўлган маросим

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019, 7 апрель. – № 68.

кўшиқларини бугунги технология асрида янада кенгроқ ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 11 мартдаги 139-сон «Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек халқ кўшиқлари жуда қадим даврлардан бошлаб тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Халқ лирикаси композицияси, поэтикаси, жанрий табиати, семантикаси ва назарий асослари рус фольклоршунослигида Н.П.Колпакова, Г.М.Акимова, В.И.Еремина, С.Г.Лазутин каби олимларнинг тадқиқотларида чуқур таҳлил қилинган².

Туркий халқлар фольклоршунослигида М.Авезов, М.Ғабдуллин, С.Сайфуллин ва бошқалар халқ маросим кўшиқларининг жанрлар таркиби, кўшиқлар таснифи, поэтикаси масалаларини ўргандилар³. Кейинги йилларда

²Колпакова Н.П. Русская народная бытовая песня. – М.: Наука, 1962. – 284 с.; Акимова Г.А. О поэтической природе народной лирической песни. – Саратов, 1966. – 172 с.; Еремина В.И. Поэтический строй русской народной лирики. – Л.: Наука, 1978. – 184 с.; Лазутин, С.Г. Поэтика русского фольклора. – М.: Высшая школа, 1981. – 221 с.

³Әуезов М. Шығармалары. Т.ХІ. – Алматы, 1969. – Б.430; Ғабдуллин М. Қазақ халқының ауыз әдебиети. – Алматы: Мәктеп, 1958. – Б.318-320; Сәкен Сейфуллин. Шығармалары (Сочинения), Т. 1-6. - Алма-Ата, 1960-1964;

туркий халқлар фольклоршунослигида халқ кўшиқларининг миллий ўзига хослиги, жанрлар таркибининг таснифи ва бадий хусусиятларини ўрганишга доир бир қатор янги тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, Р.С.Сулайманов, К.Н.Гафиуллина, А.И.Наева, М.А.Джанкезова, Е.Н.Квиленкова, М.А.Сахаватова, К.Р.Идрисоваларнинг ишларида халқ лирикаси жанрлар тизимининг шаклланиш тамойиллари, кўшиқчиликнинг миллий ўзига хослиги, халқ турмуш тарзи ва дунёқарашининг кўшиқлардаги ифодаси, бадий тасвир воситаларининг лингвопоэтик табиати ва образлар силсиласининг мифологик асослари очиб берилди⁴.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ кўшиқларини ёзиб олиш, нашр қилиш, илмий ўрганиш, шунингдек, халқ кўшиқлари генезиси, тарихий тадрижий босқичлари, поэтикаси, кўшиқларда қўлланилувчи рамзий образлар ва ибораларнинг табиати ҳамда ўзига хос жиҳатлари борасида Ҳ.Зарифов, М.Алавия, К.Очилов, Ж.Қобулниёзов, С.Рўзимбоев, Ф.Кароматов, К.Олимбоева, Ҳ.Раззоқов, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, А.Шаропов, М.Ёқуббекова, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, Д.Ўраева, Р.Носиров, Л.Худайқулова, О.Исмонова, Н.Сабирова, Ш.Имомназарова каби олимлар муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирганлар⁵. Уларнинг самарали фаолиятлари туфайли ёр-ёр кўшиқларининг кўплаб нодир намуналари “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдлиги рукнидаги

⁴Сулейманов Р.С. Башкирская народная песня (проблема жанровой системы): Автореф. дисс. д-ра искусствоведения. – СПб., 2005. – 71 с.; Гафиуллина К.Н. Национально-мифологические основы поэтики татарской народной песни: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан, 2005. – 26 с.; Наева А.И. Алтайский обрядовый фольклор: специфика жанра: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2010. – 30 с.; Джанкезова М.А. Карачаево-балкарские историко-героические песни: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Черкеск, 2011. – 22 с.; Квиленкова Е.Н. Гагаузский песенный фольклор – грамматика жизни. – Кишинев, 2011. – 22 с.; Сахаватова М.А. Система жанров и поэтика кумыкской народной необрядовой лирики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 26 с.; Идрисова К.Р. Поэтика татарских баитов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан, 2013. – 26 с.

⁵ Ozbek folklori. Birinci ktap / Tuzuvci: H.Zarif. – Taşkent: OzSSR Oquv-Pednaşır, 1939. – Б. 299; Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – 224 б.; Очилов К. Меҳнат кўшиқлари бадиияти. – Қарши: Насаф, 2006. – 122 б.; Хоразм халқ кўшиқлари (тўплаб, нашрга тайёрловчи Ж. Қобулниёзов) – Ўзакадемнашр, Тошкент, 1965; Рўзимбоев С. Халқ кўшиқларида параллелизмларни юзага келтирувчи манбалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, – 1972. – №1. – Б.81-84; Кароматов Ф., Олимбоева К. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1956. – 144 б.; Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Тўпловчи ва сўнгсўз муаллифи: Раззоқов Ҳ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 249 б.; Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – №5. – Б. 29-33; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, Фан. 2010. – 308 б.; Жўраев М., Худайқулова Л. Ёр-ёрлар. Икки кўнгил бир бўлсин. – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги НМИУ, 2016. – 264 б.; Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005; Турдимов Ш. Халқ кўшиқларида рамз. – Тошкент: Фан, 2020. – 192 б. Эшонқулов Ж. Кўшиқ ва унинг таснифи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №3. – Б.27-35; Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадий-композицион вазифалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993; Носиров Р. Халқ кўшиқлари композицияси. – Тошкент: Фан, 2006. – 181 б.; Исмонова О. Ўзбек тўй маросим фольклорида “келин салом” жанри (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999; Сабирова Н. Хоразм халқ лирик кўшиқларида поэтик рамзлар тизими ва уларнинг бадий-эстетик вазифалари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 55 б.; Имомназарова Ш. Ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлар, генезиси ва бадиияти): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018.

тўпламларда⁶ ва бошқа бир қатор тўпламларда⁷ чоп этилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-76 «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» (36-65-жилдлар) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқ ёр-ёрларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, тарихий-генетик асослари ва худудий ўзига хослиги, бадиияти ҳамда ёр-ёр ижрочилиги анъанасининг тарихий-фольклорий жараёндаги ҳолатини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ёр-ёрларнинг тарихий-этнографик асослари ҳамда маросим фольклори тизимидаги ҳаётий-маиший вазифасини белгилаш орқали кўшиқларнинг урф-одатлардаги бадиий ифодасини аниқлаш;

Ёр-ёр кўшиқларининг ёзиб олиниши ва нашр этилишини ўрганиш ҳамда тарихий илдизларини очиб бериш;

Ёр-ёр ижрочилигининг локал хусусиятларини тадқиқ этиш;

Ёр-ёрларнинг туркий халқлар фольклоридаги типологик муштараклиги ва ўзига хослигини таҳлил қилиш;

Ёр-ёр атамасининг мазмун-моҳияти, жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг маросим фольклори тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

Ёр-ёр кўшиқларидаги анъанавий мотивлар, рамзий образлар ва тимсолларнинг тарихий асосларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви материаллари ҳамда ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи шоир ва ёзувчилар архивида сақланаётган фольклорга оид материаллар, шунингдек, бевосита

⁶ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Тўпловчи ва сўнгсўз муаллифи: Раззоқов Ҳ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 249 б.; Оқ олма қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. / Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 231 б.; Совет даври халқ кўшиқлари / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. / Нашрга тайёрловчилар: Алавия М., Рўзимбоев С. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 296 б.;

⁷ Хоразм халқ кўшиқлари (тўплаб, нашрга тайёрловчи Ж. Қобулниёзов) – Ўзакадемнашр, Тошкент, 1965; Хуршиди жаҳон келди (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи С. Рўзимбоев) – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1987; Келиной кўшиқлари. Халқ кўшиқлари ва термалари / Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи: Собиров О. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981; Халқ дурдоналари. Афғонистон ўзбеклари фольклоридан намуналар / Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи: Файзулла Аймоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 232 б.; Эшонқулов Ж. Асрларга тенгдош кўшиқлар (маросим кўшиқлари). – Тошкент, 1991 (ҳамк.); Очилов К. Қалдирғочни кўндирган кўшиқ. – Самарқанд: Зарафшон, 1992; Тафаккур чечаклари. Ўзбек халқ кўшиқлари. / Нашрга тайёрловчи: Обидова М. – Тошкент: Фан, 1992. – 52 б.; Остонаси тиллодан. (Тўй кўшиқлари). / Нашрга тайёрловчилар: Мусақулов А., Мирзаева М. – Тошкент: Фан, 1992. – 112 б.; Алла айтай, жоним болам (халқ кўшиқлари). / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Мардонова Г. – Тошкент: Чўлпон, 1996. – 68 б.; Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: Жўраев М. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 160 б.; Тўй муборак, Ёр-ёр. Тўй маросим кўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Сафаров О. – Тошкент: Маънавият, 2000. 162 б.; Бўзлардан учган ғазал-ей. Нашрга тайёрловчилар: Сафаров О., Ўраева Д. – Тошкент, 2005; Ўзбегим “Ёр-ёр”лари. / Тўпловчи: Мирзаева С. – Андижон, 2009. – 110 б.

тадқиқотчининг 2019-2021 йиллар давомида Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари бўйлаб ўтказган фольклор экспедицияларида тўпланган “дала ёзувлари” белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини халқимиз поэтик тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатувчи Ёр-ёрнинг жанр хусусиятлари, тарихий-генетик асослари, ҳудудий ўзига хослиги ва поэтикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, структурал таҳлил, этнофольклористик, таснифлаш, матний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ёр-ёр атамасининг этимологик асоси қадимги туркийлар тилида “ир”, “йир”, “жир” каби “қўшиқ” маъносида қўлланилганлиги ва келиб чиқиши ўлиб тирилувчи табиат культлари билан боғлиқлиги, тадрижий ривожини туркий халқлар поэтик тафаккури ва бадиий-эстетик анъаналари билан муштарак жиҳатларга эгаллиги очиб берилган;

Ёр-ёрнинг сўз магияси билан чамбарчас боғлиқлиги, инсоннинг балоғат ёши билан боғлиқ хатна тўйи ва никоҳ тўйи маросимларида куйланувчи тўй ёр-ёрлари ҳамда инсоннинг вафоти билан боғлиқ мотам маросимида гўшангага кира олмаган, тўйдан олдин вафот этган қиз ёки йигит учун айтиладиган мотам ёр-ёрлари ўзбек маросим фольклори таркибидан ўрин олганлиги ва ёр-ёрнинг ўттиздан ортиқ ижро йўлларда куйланиши асосланган; Ёр-ёрларнинг ижро ўрни кейинчалик кенгайганлигини оилавий-маиший маросимларнинг бошқа маросимларига, яъни “бешик тўйи”, “хатна тўйи” каби маросимларга кўчганлиги, мазмунан бир-биридан фарқланиши, жонли ижро ҳолатида тўй жараёнига мослаб бадиҳа қилиш, тўй эгалари ва тўй воситаларининг янгилишида намоён бўлиши билан янгидан-янги вариантлар юзага келишига омил бўлаётганлиги далилланган;

Ёр-ёр намуналаридаги етакчи мотивлар, образлар тизими, бадиий санъат ва бадиий қурилиши масалалари жанр хусусияти билан боғлиқлиги, ёр-ёрлар юзага келишига асос бўлган поэтик моделлар шаклланишида ҳимоялаш воситаси ҳисобланган чимилдиқ, тумор, олов, исирик, пичоқ, олтин ва соч билан боғлиқ қадимги инонч-эътиқодлар ҳамда матнларида турли мифларнинг излари мавжуд бўлган пойга, кўпкари, ит, хўроз, кўчқор уриштириш, “Олтин қобоқ отиш” каби ўйинлар орқали архаик мифларнинг мавжудлиги ойдинлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек Ёр-ёрларининг ёзиб олиниши, тўпланиши, нашр этилиши ва илмий тадқиқ этилишига доир манбалар яхлит тизим ҳолида жамланиши натижасида ўзбек халқ лирикаси тарихини яратиш учун зарур илмий факт ва маълумотлар умумлаштирилган;

Ёр-ёр ижрочилиги ўзининг жонли оғзаки анъаналарини сақлаб қолган ҳамда фақат никоҳ тўйлари узвидагина эмас, балки бошқа маросим тўйлари ва мотам маросими фольклорида ҳам ўзига хос ўринга эга эканлиги аниқланган; ўзбек Ёр-ёрларининг жанрий ва ҳудудий ўзига хослиги, ареал фарқланиши, таснифи масалалари, бошқа маросим қўшиқларидан

фарқли жиҳатлари, умумтуркий анъаналар билан типологияси, тарихий-генетик илдизлари ва Ёр-ёр атамасининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган;

хозирга қадар ёзиб олинган ва “Фольклор архиви”да сақланаётган Ёр-ёрлар текстологик жиҳатдан таҳлил қилиниб, бадиий жиҳатдан энг мукамал намуналар асосида “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги учун таянч матнлар базаси яратилган;

Ёр-ёрларнинг ареал хусусиятларини тўғри талкин қилиш никоҳ тўйи фольклори ва фольклор-этнографик жамоалари ижро жараёнларида тўғри фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган фактик материалларнинг бирламчи назарий манбалар ҳамда ишончли нашрлар асосида тадқиқ этилганлиги, тадқиқот натижасида чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий таҳлил усули билан асосланганлиги, ечилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, Ёр-ёрнинг генезиси, жанрий ва ҳудудий хусусиятлари, таснифи ва поэтикасини ёритишда жаҳон фольклоршунослиги эътиборли илмий манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий умумлашмалар ва хулосалар ўзбек фольклори жанрлар тизимининг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюцияси билан боғлиқ илмий концепцияларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, туркий халқлар маросим фольклоридаги Ёр-ёрнинг спецификаси, тарихий-генетик асослари ва поэтикасини фундаментал тадқиқ этишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек Ёр-ёр кўшиқларининг жанрий табиати ва ҳудудий ўзига хослиги ҳақидаги илмий қарашлар олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти, этнография фанлари бўйича дарс машғулотида ўтишда, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига, шунингдек, Ёр-ёрларни номоддий маданий мерос сифатида ҳудудий жиҳатдан тўғри талкин қилишга ҳисса қўшиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек фольклорида Ёр-ёр жанрининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-генетик асослари, ҳудудий ўзига хослиги, ареал фарқланиши, таснифи ва поэтикасини тадқиқ этиш жараёнида чиқарилган илмий-назарий хулосалар ва олинган натижалар асосида:

никоҳ тўйи маросимларида куйланувчи тўй ёр-ёрлари ҳамда мотам маросимида чимилдиқ кўрмай вафот этган қиз ёки йигитга куйланувчи мотам ёр-ёрлари ўзбек маросим фольклори таркибидан ўрин олганлиги ва ёр-ёрнинг ўттиздан ортиқ ижро йўлларида куйланиши, ижро ўрни кейинчалик кенгайганлиги, яъни бошқа оилавий-маиший маросимларга, хусусан, “бешик тўйи”, “хатна тўйи” каби маросимларга кўчганлиги, мазмунан бир-биридан фарқланиши, жонли ижро ҳолатида тўй жараёнига мослаб бадиҳа қилишга доир материаллар ва илмий-назарий қарашларидан ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ОТ-Ф1-76 “Ўзбек халқ ижоди

ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” мавзусидаги Ф1-ФА.2012-1-8 фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 24 мартдаги №3/1255-658-сон маълумотномаси). Натижада “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” жилдлиги таркибидаги (36-65-жилдлар) ўзбек халқ кўшиқлари номли жилдларга доир илмий изоҳлар тайёрлаш хусусан, Ёр-ёр кўшиқлари матнларини саралаш, турли вариантларини жамлаш ва бадий жихатдан мукамал намуналар асосида таянч матнлар базасини яратишга эришилган; Ёр-ёр атамасининг этимологик асоси қадимги туркийлар тилида “ир”, “йир”, “жир” каби “кўшиқ” маъносида қўлланилганлиги ва келиб чиқиши ўлиб тирилувчи табиат культлари билан боғлиқлигига доир илмий-назарий қарашлардан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бажарилган ПЗ-20170920167 “Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган тошбосма асарларнинг электрон каталогини яратиш ва нашрга тайёрлаш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 24 мартдаги 3/1255-658-сон маълумотномаси). Натижада XIX аср бошларига қадар ёзилган кўлөзма ва тошбосма асарларда Ёр-ёр намуналари ҳақидаги қимматли маълумотлар ва намуналар борлиги ойдинлаштирилган;

Ёр-ёр кўшиқларининг оилавий-маиший маросимларда тутган ўрни, генезиси, ареал ва жанрий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналар билан боғлиқлиги, Ёр-ёрлардаги етакчи мотивлар, образлар тизими, бадий санъат ва бадий қурилиши масалалари жанр хусусияти билан боғлиқлиги, ёр-ёрлар юзага келишига асос бўлган поэтик моделлар шаклланишида ҳимоялаш воситаси ҳисобланган чимилдиқ, тумор, олов, исирик, пичоқ, олтин ва соч билан боғлиқ қадимги ишонч-этиқодлар ҳамда матнларида турли мифларнинг излари мавжудлигига доир илмий қарашлардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалидаги “Тақдимот”, “Этно”, “Маҳзан”, “Хайрли тонг”, “Ҳамма учун” кўрсатувларида ҳамда “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси” ва “Ёшлар” радиоси эшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Миллий телерадиокомпаниянинг 2021 йил 7 апрелдаги 02-10-519-сон, 2022 йил 29 июлдаги 02-30-1202-сон ва 2022 йил 19 сентябрдаги 02-31-1530-сон маълумотномалари). Натижада мазкур кўрсатувлар ва эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар мазмуни бойитилиб, ўзбек халқ Ёр-ёрлари ҳақида янги маълумотларга доир назарий фикрлар билан кўрсатувнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга эришилган. **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро, 9 та республика конференцияларида қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация бўйича 22 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола,

шундан 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёр-ёр қўшиқларининг ўрганилиши ва ареал хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида ёр-ёр қўшиқларининг илмий ўрганилиши, тарихий-генетик асослари, ҳудудий ўзига хослиги ва ёр-ёр ижрочилиги анъанасининг тарихий-фольклорий жараёндаги ҳолати тадқиқ этилган. Дастлабки бобнинг илк фасли «Ёр-ёрнинг илмий ўрганилиши» деб номланган.

Маълумки, ўрта асрларнинг қомусий олими Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида кўплаб маросим қўшиқлари ва фольклорга оид кўплаб атамалар келтирилади⁸. Бу қимматли манба фольклор жанрлари, жумладан, ёр-ёрларни ўрганишда муҳим ҳисобланади. Олимларимиз томонидан ўрганилган никоҳ маросимлари тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланиши ҳам маълум ҳақиқат. Совчилик тўғрисидаги илк маълумотлар VII-VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой битикларида, буюк давлат арбоби Тунюқуқ (VII аср) битиктошида, шунингдек, Ирқ битигида “*саб*” – “*сўз*”, “*сабчи*” – “*хабарчи*”, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган⁹. Ўрта асрлар машхур тилшуноси М.Кошғарий бу хусусда “*совчи – келин ва куёвлар орасида бир-бирига хабар элтувчи*”, – деб изоҳлаган¹⁰. Бундан шундай тахмин қилиш мумкинки, бўлажак келин ва куёвга хабарчи бўлган кишилар икки ёшнинг тилак-истаклари, тавсифлари, дил изҳорларини ҳам етказган.

Ёр-ёрлар ёзма адабиётда, хусусан, улуғ шоир ва давлат арбоблари бўлган Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ижодида мавжуд. Ҳар иккиси ҳам қиз узатиш маросимида куйланган халқ қўшиқлари ҳақида асарларида тўхталиб ўтадилар. Халқ ёр-ёрларидан таъсирланиб, шоир ва салтанат соҳиби

⁸М.Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч жилдлик. I жилд / Таржимон: Муталлибов С. Нашрга тайёрловчилар: Рустамов А., Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2016. – Б. 172.

⁹Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 89.

¹⁰Девону луғотит турк. Уч жилдлик. I жилд / Таржимон: Муталлибов С. Нашрга тайёрловчилар: Рустамов А., Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2016. – Б. 168-169.

Қул Убайдий ҳамда Холис тахаллуси билан ижод қилган шоир ҳам гўзал ёр-ёрлар ёзган.¹¹ Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” номли асарида кўплаб халқ урф-одатлари ва халқ кўшиқларидан намуналар келтирилган.¹²

Ёр-ёр кўшиқларини кенг маънода ўрганиш, фольклоршунос олимлар Ҳ.Зарифов, М.Алавия, Б.Саримсоқов ва бошқа олимларнинг ёр-ёр ҳақидаги қарашлари дастлабки илмий талқинлар сифатида қимматлидир.

Ўзбек халқ маросим кўшиқларини тадқиқ этган олима М.Алавия ёр-ёр кўшиқлари Навоий ижодида “чинга” номи билан мавжудлиги, ижро услуби ва ижрочилари ҳақида айтиб ўтади. Ҳ.Раззоқов Фарғона ёр-ёрларини тўплаш билан бирга уларнинг ижро ўрни кенгайганлигини қайд этган бўлса, Б.Саримсоқовнинг Бухоро ва Фарғонада ижро этилиб келинаётган мотам ёр-ёрлари ҳақидаги мақоласи аҳамиятлидир. А.Мусақулов, Ш.Турдимов, М.Якуббекова, Д.Ўраева ва бошқалар ёр-ёр кўшиқлари поэтикасини, О.Исмонова, С.Давлатов ва Ш.Баратовалар кўшиқнинг баъзи жанрий ўзига хослиги ва локал хусусиятларини тадқиқ этганлар¹³.

Ёр-ёр атама бўлиб, такрор сўзларнинг семантик усулда ясалиши саналади. Ёр-ёр жанри ўзига хос иккилик ва тўртлик шаклидаги шеър тузилишига эгадир. Ёр-ёр қадимдан нафақат ўзбек, балки тожик, татар, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва бошқа туркий халқлар оғзаки ижодида мавжуд. Атаманинг келиб чиқиши хусусида фольклоршунос олим М.Жўраев: “Ёр-ёр атамасининг таркибидаги “ёр” лексемаси қадимги туркий тилда, шунингдек, ҳакас, тува, шор, қўмиқ, қозоқ каби *ҳозирги туркий* тилларда “кўшиқ”, “ашула” маъноларини англатувчи “ир”/“йир”/“жир” сўздан келиб чиққан¹⁴”, – деб айтади. Бу борада устоз М.Жўраев фикрларига қўшилган ҳолда, қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар ўлимнинг ҳосилдорлик ва серфарзандликка таъсири ҳақида тасаввурлар никоҳ маросимида барқарор эканлигини айтишади. Хусусан, Ж.Эшонқулов: “... оила маросимларининг барча қирралари

¹¹ Қаранг: Сафаров О. Фольклор – бебаҳо хазина. Сайланма. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – Б. 139; Холис. Ёр-ёр Биби Фотимаи Захро. – Тошкент, 1913. Тошбосма. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти. Фольклор архиви. Инв.№ 2010. – 46 б. Айтувчи: Мулло Мирзо Аҳмад бин Мирзокарим Соҳиб. (Архив ҳужжатида шундай дейилган).

¹² ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёмалар фонди. Шайх Сулаймон Бухорий. Луғати чигатойи ва турки усмоний. Инв. № 9488. – Б. 203.

¹³ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 184-194; Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. / Ўзбек халқ ижоди. / Тўпловчи ва сўнгсўз муаллифи: Раззоқов Ҳ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 249 б; Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1983. – №5. – Б. 29-33; шу муаллиф. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. Тошкент: Фан, 1988. – 288 б.; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. – Б. 125-130; Баратова Ш. Ўзбек халқ “Ёр-ёр”ларининг жанр хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – №2. - Б. 46-48; Исмонова О. Фарғона водийси ўзбек тўй маросим фольклорида “Ёр-ёр” жанрининг ижро ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 68-71; Эшонқулов Ж. Кўшиқ ва унинг таснифи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 3. – Б. 27-35; Жўраев М., Худайкулова Л. “Ёр-ёр”лар. Икки кўнгил бир бўлсин – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 264 б.; Турдимов Ш. Халқ кўшиқларида рамз. – Тошкент: Фан, 2020. – 192 б.

¹⁴ Жўраев М., Худайкулова Л. “Ёр-ёр”лар. Икки кўнгил бир бўлсин – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – Б.6. (Кейинги ўринларда: Ёр-ёрлар. Икки кўнгил бир бўлсин.)

мавсумий маросимларни ўрганиш орқали очилади¹⁵», – дейди. Шунга кўра, кўшиқ этимологияси ўлиб тирилувчи табиат культлари билан боғлиқ. Бу қадимий тасаввурларга кўра, “оламнинг “ўз” ва “ўзга” қатламлари мавжудлигининг ифодаланиши, “қизлик олами” вакилининг рамзий ўлими ва унинг “келинлик дунёси”да, яъни “ўзга олам” – куёв хонадонидида “қайта тирилиши” билан боғлиқ қарашларда кўринади¹⁶. Албатта, бу маросимларнинг турли ирим-сиримлари ва айтимлари бўлган. Унда кўшиқни англлатувчи “ир”, “йир”, “жир” каби сўзлар ишлатилган. Фольклор асарлари ўртасида жанрларлараро муносабатлар кузатилганидек, ўлан ва Ёр-ёр кўшиқлари бадиияти, тузилиши кабиларида ўхшашлик яққол сезилади. Шунинг учун, уларнинг келиб чиқиши бир-бирига боғлиқ, деган қарашлар мавжуд. Фольклорда ҳамма жанрлар маросим фольклорига бориб тақалар экан, ўлан ва Ёр-ёрнинг ибтидоси бир, фақат тарихий тараққиёт жараёнида улар алоҳида жанр хусусиятларини кашф этган. Ўлан айтишувга мўлжалланган. Образлар тизими ҳам шундан келиб чиқади. Ёр-ёр фақат айтишув кўшиғи эмас, образлар тизими ҳам ўзига хос. Кўшиқда оҳанг етакчи, бироқ у мазмунга бўйсунган ҳолда амалга ошади. Ёр-ёрнинг баъзи ҳудудларда “ўлан”, “ўланг” деб номланиши эса локал-худудий хусусияти билан ҳам боғлиқ ҳодисадир. Чунки минтақамизнинг ҳамма ҳудудларида ҳам ўлан айтилавермайди, Ёр-ёр эса доимий куйланади. Ўлан ва ёр-ёрларни киёслаганда, куйидаги фарқликлар кўзга ташланади: **биринчидан**, икки жанрнинг фарқ қилувчи энг асосий жиҳати йигитлар бир томон, қизлар бир томон бўлиб, тўлиқ айтишув хусусиятига эгаллиги, бу ёр-ёрларда жуда кам учрайди. Ўланда ўткир сўз ва иборалар танлаб олинади, чунки мақсад ютишдир¹⁷. **Иккинчи** фарқ, ўлан мазмунида оҳу-фиғон, ҳасрат, хижрон аламлари, жудолик каби изтироблар кам бўлиб, ижрочида эркинлик, кўнгилда борини айта олишлик бор. **Учинчи** фарқ унинг матнларида кўринади. Ёр-ёрда тасвирлаш воситалари кўп қўлланилгани каби, ўланда улар унчалик кўп қўлланилмайди. Масалан: *Олдинга келган йигит кетолмайди, Сизларда бирор ҳикмат бор экан-да*¹⁸. Бунда қизни хушхулқ, ширинсўз ва латофатли эканлигини турли тасвирлаш воситаларисиз ҳам ҳар ким ўзича кўз ўнгига келтиради. Ёр-ёрларда эса, кўпинча, алқов ва тилаклар устувордир. **Тўртинчидан**, ўланни ўткир сўзлар билан мот қиладиган чечан ўланчилари бўлгани каби, ёр-ёрни ҳамма ҳам куйлай олиши мумкин.

Иккинчи фасл «Ёр-ёр кўшиқларининг ареал хусусиятлари» тарзида номланган. Маросим ва урф-одатлар билан бирга, тўй кўшиқлари ҳам худудий жиҳатдан фарқланади. Турли миллатлар бирга яшайдиган худудларда урф-одатларда ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар ажралиб туради. Шунга кўра, ёр-ёрлар ҳам муштарак хусусиятларга эга. Ёр-ёр жанри республиканинг барча худудларида кенг тарқалган. Бизнингча, Ёр-ёр

¹⁵ Эшонкулов Ж. Эпос ва маросим // Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2019. – Б. 61.

¹⁶ Султангареева Р.А. Башкирский свадебно-обрядовый фольклор. – Уфа, 1994. – С. 29.

¹⁷ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 166.

¹⁸ Оқ олма қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик / Тўпловчи: Алавия М. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 167. (Кейинги ўринларда: Оқ олма, қизил олма.)

қўшиқларини қуйидагича ҳудудларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1. Қашқадарё – Сурхондарё ареал ҳудуди; 2. Самарқанд – Бухоро ареал ҳудуди; 3. Навоий – ареал ҳудуди; 4. Фарғона-Андижон ареал ҳудуди; 5. Наманган ареал ҳудуди; 6. Тошкент ареал ҳудуди; 7. Жиззах ареал ҳудуди; 8. Хоразм ареал ҳудуди ва бошқалар. Ёр-ёр жанрини бундай ҳудудларга бўлиб ўрганишда баъзи ареал тарқалишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки улар бир вилоятда ҳам турли кўринишга эга бўлиб, шеvasи, топоним белгиси ва оҳанг ўзгаради.

Жанрнинг ҳудудий ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мақсадида айрим ҳудудларнинг баъзи ёр-ёр намуналарини бир-биридан фарқли жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтилди. Масалан, аксарият жойларда ёр-ёрлар асосан аёллар томонидан ижро этилса-да, Фарғона водийси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Зарафшон воҳасида Ёр-ёр қўшиқларини келинникига кетаётган йигитлар ҳам айтадилар. Бундан ташқари, баъзи ҳудудларда бўй етган йигит вафот этганда ҳам, яқин ўртоқлари яъни, йигитлар томонидан мотам ёр-ёрлари айтилган.¹⁹

М.Алавия “Хоразм ёр-ёрларида ўзига хос шеърий система бор”, – деганида тўла ҳақлидир. Чунки Хоразмнинг қадимий мусиқий анъаналарига мос равишда шаклланган Ёр-ёрлар шеvasи, оҳанги, услуби ва олима айтганидек, ўзига хос шеърий системаси билан фарқланиб туради. Хоразм никоҳ тўйларида Ёр-ёр айтиш бошқа вилоятларга нисбатан кам учрайди. Хоразмда асосан, Ёр-ёрлар вазифасини туркум қўшиқлар бажаради. Аммо, бу жойда ҳам Ёр-ёрлар кенг тарқалганлигини, Хоразм шеvasи ва оҳангини ўзига сингдирган қўшиқлар узоқ йиллардан бери ижро этилиб, шу кунларгача етиб келганлигини унутмаслик лозим. Масалан:

Гўшагана тегидан, товоқ олинг, ёр-ёр.

Келинбика тилидан, сўроқ олинг, ёр-ёр²⁰.

Хоразмда никоҳ тўйларида қуйланадиган Ёр-ёрлар ижро ўрнига кўра икки маросимда айтилади. Биринчиси “ётоқ тўйи”(ҳозирда, “хина тўйи”да насихат ёр-ёрлари, мақтов, алқов ёр-ёрлари, турмуш кийинчиликлари, ширин-аччиқликлари ҳам қуйланиб келин огоҳлантирилган)да ва иккинчи ижро ўрни эртаси куни куёв уйига кузатишда ҳам воҳага хос турли урф-одат ва маросимлар бажарилгандан кейин яна Ёр-ёр айтилади.

Ёр-ёр “муқаддас”, “илоҳий қўшиқ” ҳисобланиб, у фақат бокира қиз учунгина қуйланган. Ислом кенг тарқала бошлаган даврларида ҳам келинни доира чалиб, қўшиқлар айтиб кузатиб қўйиш, тўйни элга овоза қилиш, хурсандчилик қилиш кабилар бир неча ҳадис ва ривоятлар орқали бизгача етиб келган.²¹

Туркий халқлар фольклорида тўй маросим қўшиқлари кўп ўрганилган. Хусусан, қозоқ фольклоршунослигида тўй маросим қўшиқлари билан бирга

¹⁹ Айтувчи: Тўраева Сайёра Маматқуловна (17.04.1962)дан, Жиззах вилояти, Зомин тумани Ём қишлоғида (12.07.2021) диссертант томонидан ёзиб олинган.

²⁰ Сабирова Н.Э. Хоразм халқ лирик қўшиқларида поэтик рамзлар тизими ва уларнинг бадиий-эстетик вазифалари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 16.

²¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2019. – Б. 142.

жар-жар жанри М.Авезов, С.Сайфуллин, М.Ғабдуллин, А.Конратбаев ва бошқа олимлар томонидан илмий ўрганилган²². Чунончи, тўй кўшиқларини махсус ўрганган М.Авезов қиз узатув маросим кўшиқлари ҳақида тўхталади: “жар-жар бошқа тўй кўшиқларидан фарқли равишда, белгиланган шакл ва матнга эга. Унинг ўз куйлари бўлади, яъни ғамгин ва шўх куйлар алмашиб туради. Урф-одатлар тугагандан сўнг, келин кетишидан олдин жар-жар кўшиғи ижро этилади²³”. Хулоса қилиб айтганда, ёр-ёрлар жуда кенг тарқалган тўй кўшиғи бўлиб, туркий халқларда ва Ўзбекистоннинг барча худудларида ижро этилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ёр-ёрларнинг жанрий хусусиятлари ва таснифи масалалари» тарзида номланган бўлиб, унинг биринчи фасли «Ёр-ёр кўшиқларининг жанрий ўзига хосликлари» деб номланади. Ўзбек фольклорининг жанрлар таркибини тасниф қилган олим Б.Саримсоқов фольклорни маиший йўналишига кўра, маросим билан боғлиқ фольклор жанрлари ва боғлиқ бўлмаган фольклор жанрларига ажратади²⁴. Ундан маросим фольклорини ўзини ҳам учга бўлиб ўрганишни таклиф этади: 1. Сўз магияси билан боғлиқ маросимлар фольклори; 2. Инсоннинг туғилиши ва балоғат ёши билан боғлиқ маросимлар фольклори; 3. Киши вафоти билан боғлиқ мотам маросими фольклори.²⁵ Бу таснифга кўра, тадқиқ этилаётган ёр-ёрлар маросим фольклорининг уччаласига ҳам дахлдор бўлиб, уни кўплаб функциясига кўра сўз магияси билан боғлиқ маросим фольклори таркибига киритиш мумкин. Буни ўлан жанрини тадқиқ этган олима Ш.Имомназарова кузатувларида ҳам кўриш мумкин: “Инсон вужудига ўрнашган деб тасаввур қилинадиган ёвуз кучларни сўзнинг магик қуввати воситаси билан ҳайдаш ва шу тариқа касалликни даволаш мақсадида айтиладиган “бадик” айтимининг қиз ва йигит узатганда айтиладиган кўшиқ, нохшолар ичида жуда кенг оммавийлашиб кетгани “ёр-ёр”, “хой-хой ўлан” бўлиб, улар келин уйига бораётганда кўп кишилар томонидан айтилади²⁶”. Демак, ёр-ёр инсон ҳаётидаги уч тоифа маросимларда ҳам ўз ўрнига эга. Чунки, у сўз магияси элементларини ўзида мужассам этганлиги, инсоннинг янги бир ҳаёт бошлаши ва сўнгги манзилга кузатиш жараёнида ҳам куйланади.

Ёр-ёрнинг жанр хусусиятларидан яна бири, юқорида бир неча ўринларда қайд этилган айтишув хусусияти касб этишидир. Ёр-ёр умумхалқ кўшиғи бўлишидан ташқари, алоҳида малакали мутахассис, сўзга чечан ёр-ёрчилар томонидан, куёв-келин тарафкашлари тортишуви тариқасида ҳам айтилади. Турли экспедициялар жараёнида ёр-ёрнинг айтишув шаклидаги

²² Әуезов М. Әдебиет тарихы. – Алматы: Ғылым, 1991; Сәкен Сейфуллин Шығармалары (Сочинения), Т. 1-6, Алма-Ата, 1960-1964; Ғабдуллин М. Қазақ халқының ауыз әдебиети. – Алматы: Мәктеп, 1958. – Б.318-320; Қонырәтбәев А. Қазақ фольклорының тарихы – Алматы: Ана тили. 1991. – 288;

²³ Әуезов М. Әдебиет тарихы. – Алматы: Ғылым, 1991. – Б. 34.

²⁴ Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.67-68.

²⁵ Ўша манба. – Б. 69-70.

²⁶ Имомназарова Ш. Ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлар, генезиси ва бадиияти): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 79-80.

кўплаб намуналари ёзиб олинган. М.Алавия, Б.Саримсоқов, Ҳ.Раззоқов, Ш.Имомназаровалар ҳам ёр-ёрнинг айтишув кўринишини алоҳида қайд этишган²⁷. Бу бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, уйғур²⁸, козоқ²⁹ халқларида келин ва куёв томон яқинлари томонидан айтишув тарзида куйланади.

Фольклор асарларининг ҳар бир жанри маълум бир анъанага асосланган ҳолда ўз структурасига эгадир. Ёр-ёрларда ҳам фольклорга хос бу хусусият – бошлама, асосий қисм ва хотима каби структурага эга эканлигини кўриш мумкин. Халқ кўшиқлари орасида ўлан, лапар, ёр-ёр, келин-салом жанрларидагина кузатилувчи мазкур структура уларнинг барчасида ўхшашдир. Улар мазмунан атрофдагиларни чорлов, жамлаш, улуғларни эслаш каби бошламалар билан бошланади. Ёр-ёрларда бошлама матнлар доим барқарор.

Ёр-ёрларда жамоавийлик ва анъанавийлик хусусиятлари билан бирга вариантлик ҳам ёрқин намоён бўлади. Масалан:

*Чимилдиқнинг ичидан чиқди тутун, ёр-ёр,
Шу дунёда бормикан бағри бутун ёр-ёр,*

Бу кўшиқдаги биринчи мисра Тошкент вилоятида “Чимилдиқнинг ичидан”; Фарғона водийсида “Андижонда ўт ёқсам, Фарғонада тутуни”; Қашқадарё ва Сурхондарёда “Тўйхонанинг ёки кошонанинг ичидан”; Яна бошқа ҳудудларда “Кўк масжиднинг ичидан” каби иборалар билан бошланади. Қолган мисралар эса ўзгармайди.

Ёр-ёр никоҳ тўйи маросимлари таркибида кўплаб урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда ижро этилади. Улар ижросида маълум бир тартиб бўлган ва тўй жараёнидаги урф-одат талабидан келиб чиқиб, жараён мазмунига мос ёр-ёрлар куйланган. Бу жараёнда бажариладиган одатлар, удумлар ва ирим-сиримлар ёр-ёрлар мазмунига сингдириб юборилган. Ёр-ёр ижроси умумий ҳудудлар кесимига кўра, қиз узатиш маросимининг куйидаги удумлар бажарилиши чоғида куйланади:

Фарғонада тўй куни куёвнавкарлар қиз хонадонига куёвни ёр-ёр айтиб олиб киришади:

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, жоним фидо, ёр-ёр,
Шу қиз бола ишқиди бўлдим адо, ёр-ёр.³⁰*

Бир қатор вилоятларда, жумладан Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарёнинг баъзи ҳудудларида ёр-ёр қиз уйида унинг сочини майда тароқ билан тараб, ўриш пайти айтилган. Айнан қиз сочини ўрувчи аёл ёр-ёрни билиши ва куйлаши шарт бўлган. Бу пайтда янгалар ёки кайвони аёл

²⁷Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 184-194; Саримсоқов Б. Ўзбек фольклори очерклари. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 199-202; Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Тўпловчи ва сўнгсўз муаллифи: Раззоқов Ҳ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 249 б.; (Кейинги ўринларда: Гулёр) Имомназарова Ш. Ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлар, генезиси ва бадиияти): Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 79.

²⁸Боқиев О. Уйғур халқ лирик шеърляти. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 106-108.

²⁹Әуезов М. Әдебиет тарихы. – Алматы: Ғылым, 1991. – Б. 124.

³⁰Исмонова О. Фарғона водийси ўзбек тўй маросим фольклорида “Ёр-ёр” жанрининг ижро ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 68-71.

келинга ёр-ёрлар куйлашган³¹:

*Сумбул каби зулфлари тўлғонади, ёр-ёр,
Тогда битган лоладек, ҳиб беради, ёр-ёр*³².

деб куйланганидек, одатда келин сочи муаттар ҳид берувчи гул ёғи (атр) билан ёғланиб, қирқта қилиб ўрилган. Бу эса, қўшиқда эслатилади:

*Арча сандиқ кўтарилди, учдим онам, ёр-ёр,
Синалмаган жойларга кетдим онам, ёр-ёр.
Қора узун сочимни қирқ ўрдилар, ёр-ёр,
Ота-онам уйдан, кўчирдилар, ёр-ёр.*³³

Ёр-ёрлар қадимдан, тахминан шу кўринишда бошланган ва никоҳ тўйида бошқарувчи функцияни бажарган. Дарҳақиқат, ёр-ёр намуналари шунчалар кўпки, тўйнинг турли жараёнларига мос келадиган мазмундагиларини мисол келтириш мумкин.

Қўшиқнинг яна бир жанр хусусияти руҳият билан боғлиқлигидир. У келин ва атрофда йиғилган яқинларини йиғлатиш функциясида кўринади. Келиннинг тўй маросимларида йиғлаши билан боғлиқ одатлар кўплаб ёр-ёрларда учрайди. Ёр-ёрнинг мунглилиги ва тўй маросимида йиглаб айтиладиган айтимларни бир неча манбаларда учратиш мумкин.³⁴

Келин узатилаётганда йиглаб айтилган қўшиқлар, ўтганларни мадҳ этиб марсия каби куйлаш, дилнинг чигилини ёзиш, дунёнинг ўткинчи эканлигини эслатиш ва панд-насиҳат кўринишида бўлганлигини Навоий ҳам қайд этади:

*Аёлгунг неча ёр-ёр ўлгуси,
Менинг йиғларим зор-зор ўлгуси*³⁵.

Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, ёр-ёр қўшиқлари Хоразмнинг баъзи жойларида, бошқа ҳудудлардагидек куйланмайди. Аксинча, у худди шомон айтимлари сингари йиғи оҳангида айтилган. Йиғи мотиви кўплаб туркий халқлар Ёр-ёрларида мавжуд бўлиб, дастлаб, хайрлашув вазифасини бажарувчи ёр-ёрлар, қадимда маросим чоғида йиғи айтимлари ҳам ҳисобланган.

Мазкур бобнинг «Ёр-ёр қўшиқларининг таснифи»га бағишланган иккинчи фаслида жанрий ўзига хосликлари таҳлиliga асосланиб, ҳамда турли ҳудудлардаги вариантларини солиштириш ва матнларни таҳлил қилиш асосида қуйидагича тасниф этиш мумкин деган хулосага келинди: **а)** ижро ўрнига кўра; **б)** поэтик структураси, оҳанг йўлига кўра: воқеабанд байтлар ва воқеабанд бўлмаган байтлар; **в)** ижро формаси, композициясига кўра: якка, жамоа. **г)** ҳудудий жиҳатдан: Тошкент, Фарғона – Андижон, Наманган, Жиззах, Самарқанд – Бухоро, Навоий, Қашқадарё – Сурхондарё, Хоразм ва

³¹ Тошева Г. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 76.

³² Оқ олма, қизил олма. – Б. 154.

³³ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи шоир ва ёзувчилар архиви. О.Собиров архиви. Инв. № 44. 4-варақ. (Кейинги ўринларда: Адабиёт музейи архиви)

³⁴ Имом ал Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. (ишонарли тўплам) 3-китоб. – Тошкент: Қомуслар, 1997. – Б.411.

³⁵ А.Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. Хамса. Сади Искандарий. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 452.

ҳ.к; д) иштирокчиларига кўра: аёллар, эрлар. (Ёр-ёр аёллар ва эркаклар томонидан куйланишидан ташқари, турли яқинлари тилидан ва баъзида улар томонидан ҳам куйланади. Булар: она, опа, янга, келинчак, дугоналар ва ҳоказо бўлиши мумкин); е) мавзу ва мазмуни қамрови жиҳатидан турли урф-одатлар билан боғлиқлигига кўра. Бу таснифни яна давом эттириш мумкин. Мусиқий табиати ва ижро усулига кўра, чолғуга муносабатига кўра, рақсга муносабатига кўра ва ҳк. Халқ кўшиқларининг барчасида рақс элементлари бор. Айниқса, Тошкент, Фарғона – Андижон ёр-ёрларининг шўх оҳанглари рақсбоп бўлиб, тўй маросимларини ҳам қиздиради.

Ёр-ёрлар ижро ўрнига кўра тасниф этилганда, никоҳ тўйидан ташқари “бешик тўйи”, “хатна тўйи”нинг “хотин оши” маросимларида ҳам куйланади. Никоҳ маросимида “қиз кузатув” жараёнида куйланган бу кўшиқ, ижро ўрнининг кенгайганлиги натижасида бошқа тўйларга ҳам кўчган бўлиб, қачондан бошлаб бу маросимларда ижро этилиши аниқ эмас.

Ёр-ёрларнинг ижро ўрнига кўра яна бир хусусияти, унинг мотам маросими пайтида куйланишидир. Улар халқнинг қадим инончларига кўра, марҳум руҳини тинчитишга, унинг армонини ушалтиришга қаратилган кўшиқлардир. Бу ҳолат ўзбек фольклоршунослигида илк бор Б.Саримсоқов томонидан аниқланиб, қайд қилинган³⁶. Кейинчалик, фольклоршунос олима Д.Ўраева мотам ёр-ёрларининг ўзига хос хусусиятлари ва поэтикасини таҳлил қилди. Ҳозирда ҳам, кўплаб ҳудудларда, хусусан, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё ва бошқа ҳудудларда бевақт вафот этган қиз ёки йигитга мотам ёр-ёрлари куйлаш сақланиб қолган.

Ўзбек фольклоршунослиги ёр-ёрнинг ўндан ортиқ йўлда куйланишини қайд этган. Ҳозирги жонли ижро жараёнида ҳам айнан бир шеърининг матнининг ўзи, бир неча йўлларда куйланишини кўриш мумкин. Шунга кўра, кўшиқнинг локал хусусиятлари, тўйнинг кайфияти, никоҳ маросимининг турли жараёнлари билан боғлиқлиги, ижрочи маҳорати сабаб, ўттизга яқин ижро йўллари мавжуд.

Диссертациянинг «Ёр-ёр кўшиқларининг бадий талқини» деб номланувчи **учинчи бобининг** илк фасли “Ёр-ёрларда бадий санъатлар” деб номланди. Халқ даҳоси билан яралган ёр-ёр мисраларида бадий санъатнинг энг йирик йўналиши бўлган маънавий санъатлар кўп қўлланилган. Улардан, ташбиҳ – ўхшатиш санъати, синекдоха, истиора, муболаға, ташхис, тазод, талмеҳ, сифатлаш кабилардан ташқари, таносуб, тақрир каби лафзий санъатларни айтиш мумкин. Ёр-ёр матнларида бир вақтнинг ўзида бир неча бадий санъатлар қўлланган ўринлар кузатилади. Келинчак нафақат ширин сўзли, балки бегона хонадонга мослашиши, гапда фаҳм-фаросатли бўлишигача ёр-ёрда мужассам:

*Саҳар вақти сайр учун гули бўлсин, ёр-ёр,
Ётларни эл қилишига тили бўлсин, ёр-ёр.*

Яна:

Олтинга монанд қизлар, бўлур достон, ёр-ёр,

³⁶ Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – № 5. – Б. 29-33.

*Уларнинг довругини, тинглар жаҳон, ёр-ёр.*³⁷

